

ИНСОН ОЙГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ БУЮК ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 ПИЛ ЧИКИШИ

№ 30 (13.292).

5

ФЕВРАЛЬ

1968 йил

ШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ХУШХАБАР

Эфир мавжларида тошди хушхабар,
Ер билан Ой аро кўприк солинди.
«Луна» парвозида кўринди зафар,
Буюк бир ғалаба қўлга олинди.

Сор лочини нига қўнгандай аста
Пўлат-кема қўнди Ойнинг сиртига.
Бугун бутун дунё боқар ҳаввасда
Советлар заҳкига, Совет юртига!

Ж. ЖАБОРОВ.

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА—9» СТАНЦИЯСИ ОЙГА ҚЎНДИ

31 январда учирилган «Луна—9» Автоматик станцияси 1966 йил 3 февралда Москва вақти билан соат 21-45 минут 30 секундда ойдаги Рейнер кратери билан Марий кратерининг ғарбидаги бўронлар океани районида Ойнинг юзасига юмшоққина қўнди. Ой юзасида турган станция билан радио орқали доимий алоқа қилиниб турибди. Эшиттиришлар 183, 538 мегагерц частотада олиб борилмоқда. Станциядаги аппаратлар нормал ишлаб турибди. 4 февраль Москва вақти билан соат 0 дан 0-15 минутгача навбатдаги радиоалоқа сеанси ўтказилди. Бу сеанс муваффақиятли бўлди.

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА—9» ОЙ САТҲИНИНГ ТАСВИРИНИ ЮБОРМОҚДА

«Луна-9» станциясини ой сатҳига юмшоққина қўндириш муваффақиятли тугаллангандан сўнг станция билан пухта радиоалоқа ўрнатилди. 4 февралда станция билан тўрт марта радиоалоқа сеанси ўтказилди, бу сеанслар жами 3 соат 20 минут давом этди.

Ана шу сеанслар вақтида станция ичидаги системалардан телеметрик ахборот олинди, бу ахборот станция

ичидаги системаларнинг нормал ишлаб турганини тасдиқлади. Ердан берилган командага мувофиқ, бугун Москва вақти билан соат 4 дан 50 минут ўтганда «Луна-9» станциясини ой манзарасини обзор қилишни ва унинг тасвирини ерга беришни бошлади.

Станциядан олинатган ахборот қайта ишланмоқда ва ўрнатишмоқда.

«Луна-9» станциясини программани муваффақиятли бажариётганлиги ойна тадқиқ қилиш юзасидан белгиланган план натижалар билан бажариётганлигининг натижасидир.

4 февралда Москва вақти билан соат 18-30 минутдан бошлаб ва 5 февралда соат 4 дан бошлаб «Луна-9» станциясини билан навбатдаги радиоалоқа сеанслари ўтказилди.

ЯНГИ ҚАДАМ

Космосни тадқиқ қилишга бағишланган совет программаси ҳал қилувчи вазифаларни ўз олдига қўйиб илмий қилиб қўйилган билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ҳақиқатда ҳар бир эксперимент ундан олдинги қўлга киритилган муваффақиятларга қараганда олға қўйилган қадам бўлиши билан бирга, янги тадқиқотлар туркумини бошлаб беришчи муҳим элемент ҳам бўлмоқда.

«Восход-1» ва «Восход-2» кемалари ер устига юмшоққина қўнди, яъни ер юзасига қўнганда деярли урилмади. Бундай қўниш натижасида кема кабинисидан экипажнинг шикастланмаслиги, шунингдек кемада жойлаштирилган ҳамма асбобларнинг узоқ вақт давомида омон сақланиши таъминланди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, «Восход-1» кемаси ердан юборилган командага мувофиқ, ерга автоматик равишда қўнди, «Восход-2» кемасини эса, космонавтларнинг ўзи қўндириди. Шундай қилиб, космосда учиб юрган кемани ер юзасига эсон-омон қайтаришнинг мумкин бўлган иккинчи варианти синовдан муваффақиятли ўтди.

«Луна-9» планеталараро космик станциясини табиий йўлдошимиз бўлган Ой юзасига юмшоқ қўндириш жуда мураккаб иш эди. Шунинг назарда тутиб олиниши, Ой атмосферасининг Ойга яқин қатламларидаги тизилган ер юзасига яқин ҳаво қатламларининг тизилган илмисизан йўл билан марта кам. Ойнинг шу қадар сийран атмосфераси Ой юзасига яқинлашиб келмаётган автоматик станциянинг тезлигини камайтиришга аҳамиятли таъсир ўткази олмайдиган, албатта. Бундай ҳолда кема тезлиги шу кемадан ўзидан тўрмоқловчи аппаратларнинг иши тўғрисида камайтирилган, ҳолос. Шу билан бирга, Ойнинг нотаниш шароитида станциянинг аниқ муволажалланган юзасига қўндириш вазифаси ҳам осон эмас, chunki қўнгандаги Ой аниқ муволажалланган, тўрмоқловчи аппаратнинг импулуси кемани бошқа томонга йўналтирадиган қилиб ишлаб бошлаши мумкин ва кема Ой юзасига юмшоқ қўнмай қилиши мумкин.

Янги жуда мураккаб космик эксперимент муваффақиятли тугалланганлиги совет фани ва техникаси мана шу жуда кат-

О Ф А Р И Н, О Ф А Р И Н!

Инсоннинг ҳаётида гоҳо шундай фавқулодда ҳодисалар бўладики, унинг реакцияси ўзлаб бўлмайдиган оғир таъсирларга эҳтиёж қўлади.

4 февралда эрталаб радиони очишим билан менда худди ана шундай ҳодиса содир бўлди: бирдангина ўрнимдан иргиб туриб, беихтиёр қарасан уриб юбордим.

Ҳақиқатда ҳам, радио совет фани ва техникасининг фавқулодда мўъжизаси бўлган «Луна-9» станциясининг Ойга бориб, юмшоққина қўнганлиги тўғрисида хабар қилилди.

Астроном В. АРСЕНТЬЕВ, ТАССнинг илмий ахборотчиси.

Ҳажон ҳолати бир оз ўт-

гандан кейин ҳодиса устидан ўйлаб хурсандлигимдан ва совет кишисига ҳос бўлган ифтихордан ҳамим илтифоси «Офарин, офарин!» деб юбордим.

Дарҳақиқат, бу ажойиб ҳодиса устидан қилиб ўйлаган сари унинг жаҳоншумул аҳамияти ошқор бўлиб боради. Башарият тарихида қонининг тадқиқ даврини биринчи бўлиб совет киши — совет олимлари ва инженерлари очиб, кейинги йилларда бу соҳада гоят даражада муҳим ва катта муваффақиятларга эришилди.

Қонининг ўганишда ҳозиргача бажарилган тадқи-

қотлар биринчи даврни ташкил этса, «Луна-9» станциясининг Ойга бориб қўниш бу соҳада гоят муҳим янги давр очдики, унинг фавқулодда илмий аҳамиятини сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Бу давр — планетамизнинг самовий жисмлар билан бевосита алоқа қилиш даврининг бошланғич давридир.

«Луна-9» станцияси совет фани ва техникаси соҳасида эришган муваффақиятларимизнинг таънаси, моддий ва маънавий қудратимизнинг ажойиб, муқаддас тимсолидир.


Т. Н. ҚОРИН-НІЗІЯ.

ЖАҲОН ҚУЛОҒИ УЛУҒ ЮРТИМИЗДА

МОСКВА, 4 февраль. (ТАСС). Совет автоматик станцияси «Луна-9» Ой юзасига юмшоқ қўнганлиги тўғрисида ТАСС ахбороти эълон қилинган ҳамон жаҳондаги информация агентликлари ҳаммаси ўз эшитишларини тўхтатиб қўйди ҳамда совет фани ва техникасининг мана шу жуда катта янги муваффақияти тўғрисидаги тўққинлаштирувчи хабарини «молния» деган белги остида эълон қилишга киришди.

Ассошиэтед пресс агентлигининг хабарига «бундай қўндириш Ойга одамни қўндириш йўлида қўйилган асосий қадам», деб таъинланган.

Рейтер агентлигининг хабарига «одам йўли билан ишланган аппарат жаҳонда биринчи марта та оёғи юмшоқ қўндирилди», дейилди.



Рассом: А. Холминов
чиёган расм.

А. Н. Косигин Афғонистон
бош министри билан
суҳбатлашди

Афғонистон Бош министри Мухаммад Хошим Мейвандола 3 февралда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан учрашди.

Учрашув вақтида 2 февралда бўлиб ўтган учрашувдаги суҳбат давом эттирилди. Совет — афғон дўстона муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, Г. С. Сидорович, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кузнецов, Совет Иттифодининг Афғонистондаги аълои К. И. Александров, СССР Ташқи ишлар министрига Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг муддир С. П. Кинтев, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари В. В. Спандарян иштирок этдилар.

Учрашувда Афғонистон томонидан ташқи ишлар министри Нур Аҳмад Этимовиди, планлаштириш министри доктор Абдул Ҳасим Зибий, Афғонистоннинг Совет Иттифодига элчиси Мухаммад Ориф, умумий савдо департаментининг бош директори доктор Рашид Фархоний, Афғонистон Ташқи ишлар министрининг иқтисодий ишлар департаментининг бошлиги доктор Абдул Воҳид Карим катнашдилар.

Суҳбат ҳамжизатлиги ва дўстона вазиятида ўтди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ
МИНИСТРИ ҚРИМГА
КЕЛДИ

СИМФЕРОПОЛЬ, 4 февраль. (ТАСС мухбири). Совет Иттифоди бўйлаб сафар қилиб юрган Афғонистон Бош министри Мухаммад Хошим Мейвандола бугун Қримга келди.

ОЙ КОСМОДРОМИДА

Маълумки, «Луна-9» автоматик станцияси бўронлар океани районида Ойга қўнди.

ТАСС ахборотчиси А. Романов 2-космонавт Герман Степанович Титовга мурожаат қилиб, янги илмий тажриба тўғрисида ўз фикрини айтиб беришни илтифос қилди.

«Луна-9» автоматик станциясининг учирилганлиги таъини олимлари 1959 йил январдан бошлаб Ойни ўрганиш соҳасида қилётган экспериментларнинг давомидир. Бу тажрибалар ҳақида равишда жаҳон фани жамоатчилигининг эътирофи сазовор бўлди.

«Луна-9» парвозининг якуниларидан биз, космонавтлар ҳақида равишда фавқулодда. Автоматик станция ой томон учиб бориб, бўронлар океани районида унинг сатҳига етганлиги маълум. Бунинг маъноси шунки, астроориентация системаси, нортроловчи давлат ва тўрмоқ установалари, шунингдек бошқа системалар яхши ишлади. Биз Ойга қўнишни ўрганиб олдик. Қонинг йўлини биринчи бўлиб одам Советлар мамлакатининг белгиси — вимпелли ой сатҳида ётди. «Луна-5», «Луна-7», «Луна-8» автоматик станциялари ҳам Ойга етиб бормади. Бу станцияларнинг парвози фанга ва, аяллов, қўнмоқ, қўниш системасини таъминлаштиришга кўпгина янгиликлар киритди. Бундай станцияларнинг яратилиши — космик техника ривожлантиришда муҳим босқичлар. Эндликда Ойнинг бўронлар океани районида турган «Луна-9» автоматик станцияси дастлабки ахборотини бермоқда...

«Юмшоқ қўнишга» алоҳида аҳамият берилётганлигининг сабаби нима?

— Маълумки, Ойда атмосфера йўқ. Унга учиб бораётган кема табиий тўрмоқдан маҳрумдир. Аниқ шу сабабга кўра,


параютотлар ҳам иш бермайди. Ойга қўнишни янги усулларни муқаммал ағдлаб олоқ учун олимлар турли қўнмаларга бўлган махсус реактив двигателлардан фойдаланишни тадқиқ қилишди. Шу двигателлар ёрдамида тезлик зарур вақтда «ўчириб қўйлади» ва йўқ даражага келтирилади. «Восход-1» ва «Восход-2» кўи ўзини кемалари космосга қўнган сари Ойга қўниш ерга юз даражадан тезлик билан қўнган эди. Лекин шунинг айтиш жоизки, ерда текширувдан ўтказилган «юмшоқ қўниш» методни Ойга қўнганда катта фарқ қилди.

Ойга қўндирилган илмий объектлар бизга турли-туман ахборотларини беради. Олинган маълумотлар ана шу самовий жисмин тадқиқ қилиш наҳисасида вуқудга келган таҳминларни ё таъдиқлайди ёки рад этади. Планетамизнинг йўлдош тўғрисидаги билимларимиз анча кенгайиши турган гап.

— Сиз Ой ҳақида нималарни билишни истайсиз?

— Бу саволини олимларга бериш керак эди! Лекин, менинча, одамлар юборган айтиш бизга ойнинг рельефи, юзани қайта, унинг химиявий тарбияси, ойдаги ҳарорат, магнит майдон, эҳтимол турганда микродуно тўғрисидаги аниқ маълумотларни, сейсик маълумотларини бериши мумкин бўлур эди. Космонавт Ойга Ойга текнурга қадар, эҳтимол, у ерга жониворлар бориб келишар. Булар бизга ер атрофидаги фазо айлани очиб берган янги «белгалар» ва «стрелкалар» бўлиши мумкин. Ойга қўниш босқичларидан бири Ой атрофини айланиб учиб эканлиги аниқлик эмас, олимлар бу ҳақда кўп мартабалаб тадқиқлашган.

Ойга яқин масофадан қарамоқ илмий маълумотлар тўпламоқ ва қолверса биринчи «Лунолетлар» қўнгандаги жойни тапалоқ керак. Қисқаси «тун соҳибнамолари» мизни забот эттиш у-



Қўндан бери кутилган учрашув.

Дастлабки рапорт.

Ойга билет беринг.

М. Воробейчиков чиёган расмлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

БЕРЛИН, 4 февраль. (ТАСС). Немис Фанлар академияси (Германия Демократик Республикаси) физика-техника институтининг директори профессор Роберт Ромпе ТАСС мухбирига бундай деди: «катта илмий эксперимент муваффақиятли тугалланганлиги — «Луна-9» станциясини Ой юзасига юмшоқ қўндирилганлиги билан совет олимларини самимий қутлайман. Биз, деди профессор, Совет Иттифодининг бундай муваффақиятга биринчи бўлиб эришувига сира шак-шубҳа қилмаган эдик.

